

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОН БЕЛГИЛАРИ

Нурманов Холбек Раҳматилла Ўғли

Тошкент Давлат Юридик университети

“Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти” йўналиши

магистратура босқичи талабаси

Gmail: xolbek.nurmanov123@gmail.com

ABSTRACT

Мазкур мақолада ўзгалар мулкни зўрлик ишлатиб талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив томон белгилари таҳлил қилинган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Keywords: Босқинчилик, талончилик, товламачилик, жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони, қурол, шахс, зўрлик ишлатиб, талон-тарож.

«Талон-торож қилиш» атамаси ўзгалар мулкига қарши босқинчилик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси), товламачилик (165-модда), талончилик (166-модда), ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш (167-модда), фирибгарлик (168-модда) ўғрилиқ (169-модда) жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг диспозицияларида қўлланилган.

Бу моддаларда назарда тутилган талон-торож шакллари билан барча зарурий белгиларини тўлиқ қамраб оладиган талон-торож тушунчасига таъриф бериш жуда қийиндир. Шундай бўлишига қарамай, биз ўз таърифларимизни беришни маъқул топдик. Демак, талон-торож қилиш- ўзганинг мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқларини қасдан, қонунга хилоф равишда ғараз ниятларда, қайтариб бермаслик мақсадида мулк эгасига ёки мулк учун жавобгар шахсга ёхуд мулкнинг ғайриқонуний эгаллишига тўсқинлик қилган шахсга зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки зўрлик ишлатмасдан, яширин равишда айбдорнинг ўз ихтиёрига ёки бошқанинг ихтиёрига олинишидир.

Талон-торожга берилган таърифларнинг кўпчилигида тарихий ривожланишининг кейинги босқичида мулкни қонунга хилоф тарзда олиб қўйиш, мулкдор ёки бошқа мулк эгасидан, уларга моддий зарар етказиш каби белгиларни ҳам кўрсатиб ўтилган¹. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрига

¹ Қобулов Р. Мулкни талон-торож қилиш нима? // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1996. –№ 10-11. –Б.53.; Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 254.; Ҳакимов И.

кўра, талон-торож қилиш ўзгалар мулкни ўз фойдаси, бошқа шахслар фойдасига қонун хилоф тарзда ва бепул ўзига қаратиб олишдир¹. Р.Қобуловнинг ёзишича, талон-торож қасддан, ғаразли, ҳуқуққа хилоф ва ўрнини қопламасдан, ўзгалар мулкни эгаллаб, мулкдор ёки бошқа мулк эгаси ихтиёридан, уларга моддий зарар етказиб олиб қўйишдир².

Биз Р.Қобуловнинг бу фикрига қўшила олмаймиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси мулкни қасддан нобуд қилиш ёки зарар етказиш учун жавобгарлик белгиланган. ЖК 173-моддасида кўрсатилган жиноят ҳам қасддан, ўч олиш ёки кўраолмаслик натижасида қонунга хилоф равишда, ўрнини қопламасдан, ўзганинг мулкни мулкдор ёки бошқа мулк эгаси ихтиёрида олиб, нобуд қилиш ва зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида кўрсатилган ҳамма жиноятлар қандайдир даражада давлат ёки жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг қонун билан қўриқланидиган ҳуқуқ ва эркинликларига қандайдир даражада зарар етказди. Шу сабабли мулкни талон-торож қилишнинг баъзилари содир этилиши натижасида наинки моддий зарар, балки шахсларнинг соғлиғига, руҳиятига, жисмоний дахлстзлигига ҳам маълум даражада зарар етказилиши жиноятларнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Шундай қилиб Р.Қобулов талон-торожга берган таърифда талон-торож тушунчаси тўлиқ қамраб олинмаган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида «талон-торож қилиш» атамаси ўзганинг мол-мулкни ўғрилик, талончилик ёки босқинчилик йўли билан қўлга киритиш қамраб олади³. Босқинчиликда мулкни талон-торож қилиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланса-да, жабрланувчининг соғлиғига тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлиб, объектив томоннинг қўшимча белгиси жабрланувчининг соғлиғидир. Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддасига кўра ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тамом бўлган деб эътироф этилади. Бироқ босқинчиликда мулкни талон-торож қилиш босқинчилик таркиби доирасидан четга чиқмайди ва ЖК бошқа моддаси қўшимча тавсифлашни талаб қилмайди⁴.

“Талон-торож”нинг умумий тушунчаси ва унинг ҳуқуқий оқибати. // Иқтисодиёт асолари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 201.

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – Б. 214.

² Қобулов Р. Мулкни талон-торож қилиш нима? // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1996. - № 10-11. – Б.53.

³ Михайленко П., Гевлин Р. Преступления против личной собственности граждан (Учебное пособие). – Киев, 1962. – 10-б.; Владимирова В.А. Квалификация преступлений против личной собственности: Учебное пособие. – М., 1968. – 54-б.; Владимирова В.А. Квалификация похищений личного имущества. – М.: Юридическая литература, 1974. – 30-б.

⁴ Владимирова В.А. Квалификация преступлений против личной собственности: Учебное пособие. – М., 1968. – 61-б.

Шундай қилиб, «талон-торож қилиш» ўғрилик, талончилик ва босқинчиликда мулкни қўлга киритишнинг умумий усули сифатида тавсифланади. Айни вақтда талон-торож қилиш ўғрилик тушунчасидан кэнгроқ бўлиб, ўғрилик унинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзгалар мулкига тажовуз қилувчи ўғрилик, талончилик ва босқинчилик таркиблари объектив томонининг мазмунини ёритиш имконини берувчи мулкни талон-торож қилишнинг асосий муаммолари қаторига, биринчидан, талон-торож қилиш тушунчасининг мазмунини аниқлаш, иккинчидан, талон-торож қилишнинг яширин ва очикдан-очик, зўрлик ишлатиб ва зўрлик ишлатмасдан, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ёки хавфсиз усулда ёхуд у ёки бу турдаги зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган турларини фарқлаш ва таърифлаш киради.

Ҳажман ўғрилик тушунчасидан кэнгроқ бўлган талон-торож қилиш тушунчаси мазмунан аниқроқ тушунчадир. Ўғриликка хос барча белгиларга эга бўлган талон-торож қилиш қўшимча индивидуаллаштирувчи белгилар билан ҳам тавсифланади. Уларнинг мавжудлиги ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари: товламачилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ва ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб талон-торож қилишдан фарқлаш имконини беради. Мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилишнинг бундай белгилари учта: 1) талон-торож қилиш предмети ҳисобланган мол-мулкка айбдорнинг муносабатини аниқлаш; 2) жабрланувчининг талон-торож қилишга нисбатан бўлган муносабатининг тавсифи, 3) талон-торож қилиш ҳаркатининг моҳияти.

Талон-торож қилинаётган мол-мулкка айбдорнинг муносабати унинг ушбу мол-мулк доимо ўзганики эканлигини билишида ифодаланади. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд-тергов амалиётида айбдорга ишониб топширилмаган, унинг тасарруфида, қонуний ихтиёрида ёки хўжалик бошқарувида бўлмаган мол-мулк шак-шубҳасиз ўзганинг мулки, деб эътироф этилади. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг қонуний ихтиёрида бўлган мол-мулк талон-торож қилишнинг бир шакли сифатида ўзлаштириш ёки растрата қилишнинг предмети¹, айбдорнинг хўжалик бошқарувида бўлган мол-мулк эса – ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб талон-торож қилишнинг предмети² ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб қисқача хулоса қиладиган бўлсак, Биринчидан, «Талон-торож қилиш» атамаси ўзгалар мулкига қарши босқин-

¹ Гаухман Л.Д. Борьба с хищениями, совершаемыми путем присвоения, растраты и злоупотребления служебным положением: Учебное пособие. – М., 1980. – Б. 27-28-.

² Курс советского уголовного права (часть Особенная). Т. 3. – Л.: ЛГУ, 1973. – 430-б.; Борьба с хищениями, совершаемыми путем присвоения, растраты и злоупотребления служебным положением: Учебное пособие. – М., 1980. – Б.33.

чилик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси), товламачилик (165-модда), талончилик (166-модда) жинойтлари учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг диспозицияларида қўлланилган.

Иккинчидан, бизнингча, талон-торож қилиш- ўзганинг мулкани ёки мулкрий ҳуқуқларини қасдан, қонунга ҳилоф равишда ғараз ниятларда, қайтариб бермаслик мақсадида мулк эгасига ёки мулк учун жавобгар шахсга ёхуд мулкнинг ғайриқонуний эгалланишига тўсқинлик қилган шахсга зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки зўрлик ишлатмасдан, яширин равишда айбдорнинг ўз ихтиёрига ёки бошқанинг ихтиёрига олинишидир.

Учинчидан, талон-торож қилишнинг моҳияти мол-мулк ҳар доим ҳам жабрланувчининг ихтиёридан чиқариб олинишини билдиради. Мол-мулкнинг бундай тарзда олиниши жабрланувчининг иштирокисиз ёки унинг иштирокида амалга оширилади. Сўнги ҳолатда жабрланувчи ўзига нисбатан ишлатилаётган зўрлик ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш таъсирида айбдорга у талаб қилаётган мол-мулкни топширишга мажбур бўлади. Мол-мулкни жабрланувчининг иштирокисиз олиш одатда ўғрилик ва зўрлик ишлатмай содир этилган бўлса, унинг иштирокида олиш эса – зўрлик ишлатиб содир этилувчи талончилик ва босқинчиликда юз беради.

Тўртинчидан, мулкни очиқ талон-торож қилиш (талончилик) ва яширин талон-торож қилиш (ўғрилик)га ажратиш икки мезон: объектив ва субъектив мезонлар ёрдамида амалга оширилади. Объектив мезон мулкни талон-торож қилишнинг ташқи ҳолатини, субъектив мезон эса – айбдор англашининг баҳоланишини назарда тутади.

Бешинчидан, ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилишда ишлатилган зўрликни фаоллик даражасига кўра таснифлаш зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик ва босқинчиликни аниқлаш ва зўрлик ишлатиб мулкни талон-торож қилишнинг бу шакллари бир-биридан фарқлаш имконини беради. Зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси), босқинчилик эса – жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси) билан квалификация қилинади.

Олтинчидан, ЖКда фирибгарликнинг икки тури учун бир эмас, балки иккита мустақил моддада жавобгарлик белгиланса, биринчи моддада ўзганинг мулкани қўлга киритишдан иборат бўлган фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш, иккинчи моддада эса – алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли

билан ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш учун жавобгарлик назарда тутилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Еттинчидан, бизнинг назаримизда, талон-торож қилиш шакли сифатидаги растрата тушунчасига қуйидагича таъриф бериш тўғри бўлади: «Растрата ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг шундай бир шаклики, унда айбдор ўзига ишониб топширилган мулкни унга ғайриқонуний эгалик қилиш ўрнига уни ғайриқонуний тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш йўли билан ғайриқонуний сарфлайди, истеъмол қилади, бошқаларга беради».

Саккизинчидан, ўзлаштиришнинг растратадан фарқи шундан иборатки, ўзлаштиришда айбдор ўзига ишониб топширилган мулк устидан ғайриқонуний эгалик ўрнатади ва шу йўл билан ўз мол-мулкининг ҳажми, миқдорини кўпайтиради, растратада эса – бу мулкни ғайриқонуний тасарруф этади (сарфлайди, бошқаларга беради) ёки ундан фойдаланади (истеъмол қилади ва ҳ.к.).

REFERENCES:

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИЛМ-ЗИҲО нашриёт уйи, Т.2011. Б.17.
2. Catherine Elliott and Frances Quinn. Criminal law, eleventh edition. – New York: Pearson Education, 2016. – 505 pages.
3. Фролов Б.А. Объект уголовно-правовой охраны и его роль в организации борьбы с посягательствами на социалистическую собственность. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Свердловск. 1971. стр. 25, 26.
4. Блиндер Б.А. Объект преступления и потерпевший в преступлениях против личности. «Проблемы советского государство и право». Т., 1970. С. 90.
5. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.
6. Севрюков А.П. Хищение имущества (криминологические и уголовно-правовые аспекты). –М.: Изд. «Экзамен», 2004. С. 143.
7. Каракетов Ю.М. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с разбоем. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Т., 1980. С. 11.
8. Михайлов М.П. Уголовная ответственность за кражу личного имущество и разбой. М. 1958. С. 45.
9. Б.С.Никифоров Объект преступления. Изд. “Юридическая литература” 1960. С. 56.
10. С.И.Сирота. Преступления против социалистической собственности и борьба с ними. ВГУ. 1968. С. 73.
11. Г.А.Кригер Квалификация хищения социалистического имущество. –М., 1981. с.135; Уголовное право. Часть особенная, М 1968. с. 137.